

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА МАҲЛИЁ БАХТИЁРОВА

**ТАЛАБАЛАРДА ЁЛҒИЗЛИК ҲИССИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Юлдашева Махлиё Бахтиёровна

Талабаларда ёлғизлик ҳиссининг ижтимоий-психологик детерминантлари3

Юлдашева Махлиё Бахтиёровна

Социально-психологические детерминанты чувства одиночества у студентов ..25

Yuldasheva Makhliyo Bakhtiyorovna

Socio-psychological determinants of the feeling of loneliness45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА МАҲЛИЁ БАХТИЁРОВА

**ТАЛАБАЛАРДА ЁЛҒИЗЛИК ҲИССИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/P101 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psi-ik.uz) ва «Ziyoubo» ахборот-таълим порталида (www.ziyoubo.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Рухиева Халиди Аришжановна
психология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар: Самаров Рустамжон Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Лутфуллаева Нигора Халимбаевна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «В» ноябрь соғат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (1534 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «30» 10 куни тарқатилди.
(2022 йил «30» 10 даги 26 рақамли реестр баёниномаси).



Ф.А.Акрамова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
психология фанлари доктори, доцент

Н.Б.Атабаева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
психология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Т.Нинионова
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қўшиқдаги Илмий семинар
раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятининг эътибори COVID-19 умумжаҳон пандемияси ва унинг оқибатларига қарши курашишга қаратилган бир пайтда одамлардаги ёлғизлик ҳиссига мойиллик ортиб бораётганлиги ушбу феномен тадқиқ этилишининг заруратини келтириб чиқаргани табиийдир. Дунёнинг алоҳида минтақаларида олиб борилган тадқиқотларга кўра, ёлғизлик ҳисси ҳар бир ёш гуруҳларида турлича ривожланиб бормоқда. Германиянинг Taggeschau нашри берган маълумотларга кўра, «пандемиядан олдин, асосан, кекса одамлар ёлғизликдан азият чекишган бўлса, охириги йилларда ёлғизлик ҳиссига дуч келган 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшларнинг улуши тўрт баравар кўпайиб, 36 фоизни ташкил этган»лиги қайд этилган¹. Бу ҳолат ёлғизлик ҳисси ҳамда уни юзага келтирадиган ижтимоий-психологик детерминантларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш муаммосини жаҳон психология фани учун жиддий аҳамият касб этишини қайд этиб, долзарблаштиради.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда инсон психик саломатлигини сақлаш, ёлғизликнинг ҳиссий-эмоционал кечинма сифатида намоён бўладиган хусусиятларини асослаш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ижтимоий ҳамда психологик тараққиёт тамойилларига мос етук шахсларни тарбиялашда юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий муҳитнинг талаба шахсининг ижтимоий-психологик қиёфасига ва ҳиссий-эмоционал соҳасига таъсири бўйича психологик муаммоларни аниқлаш зарур аҳамиятга эга бўлиб, ёлғизлик ҳиссини юзага келтирадиган омиллар ва унинг ижтимоий-психологик детерминантларини аниқлаштириш, ёлғизлик ҳиссига мойил инсонларнинг ҳаётий вазиятларга нисбатан барқарорлигини шакллантиришга оид илмий тадқиқотларни ўтказиш асосида инсон психологик ҳолатига доир зарур тавсияларни ишлаб чиқиш зарурати кузатилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда ёшлар психологиясини бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил қилишнинг зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди: «...халқаро стандартлар асосида юқори малакали.. тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларни.. маънавий баркамол шахс сифатида шакллантириш...», «руҳан ва ақлан ривожланган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш зарур масаладир»². Шу жиҳатдан талабаларнинг руҳий ва интеллектуал ривожланиши учун тўсқинлик қиладиган психоэмоционал ҳолатларини илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ <https://rg.ru/2021/07/26/kolichestvo-odinokih-liudej>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон ёшлари Форумида сўзлаган нутқи. <https://uza.uz/ru/posts/197662>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси» Фармонлари, 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарор ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада талабаларда ёлғизлик ҳиссини ўрганиш масаласига бағишланган тадқиқотлар салмоғи кам бўлса-да, мазкур муаммога муайян даражада эътибор қаратилган. Жумладан, Ш.А.Инаков, В.М.Каримова, Н.Ш.Муллабоева, Н.З.Расулова, Н.А.Соғинов, Т.Г.Сулейманова, А.Б.Сабирова, Г.Қ.Тўлаганова, Б.М.Умаров, У.Д.Қодиров, Ғ.Б.Шоумаров ва бошқалар томонидан ёлғизлик ҳиссининг суицидал хулқ-атворнинг омили сифатидаги психологик хусусиятлари тадқиқ этилган, лекин ёлғизлик алоҳида психологик муаммо сифатида ўрганилмаган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан А.А.Артамонова, Ю.Д.Бабаева, Н.А.Бердяев, С.А.Ветров, Т.И.Гольман, О.Б.Долгинова, Е.Н.Заворотных, И.А.Ильин, С.В.Куртиян, Д.А.Матеев, Е.В.Неумоева, А.В.Нечаев, Ж.В.Пузанова, Л.А.Пьянкова, В.А.Сакутин, С.Н.Соловьев, Е.Н.Трубецкий, С.Г.Трубникова, Е.В.Филиндаш, Г.Р.Шагивалеева ва бошқалар ёлғизлик ҳиссининг онтогенетик ва дифференциал масалаларини илмий тадқиқ этишган.

Хориж олимларидан Д.Бернштейн, К.Боумен, В.Вейс, С.Гроф, Э.Дюркгейм, Г.Зилбург, А.Камю, Э.Кляйненберг, Ж.Липовецки, А. Маслоу, Р.Мертон, К.Мустакас, Б.Миускович, Л.Э.Пепла, Д.Рассел, К.Роджерс, Д.Рисмен, Е.Рой, Г.С.Салливан, У.Садлер, К.Солано, З.Фрейд, Э.Фромм, Р.Фридмен, Ф.Фромм-Рейхман, Дж.Фландерс, Дж.Янг ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёлғизлик муаммоси тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170930223 - рақамли «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмининг такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 й.й.).

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда ёлғизлик тушунчасининг этимологик англаниши ва ҳаётӣ бардошлиликка оид ўзаро муносабатини аниқлаш асосида ёлғизлик ҳиссининг типологик детерминантлари рейтингга биноан профилактик-коррекцион чора-тадбирларни такомиллаштиришга доир зарур тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабалар тасаввурларида «ёлғизлик», «яккаланиш» ва «танҳолик» тушунчаларининг мантиқӣ-этимологик жиҳатдан идрок этилишини аниқлаш; талабаларнинг ҳаётӣ бардошлилик диспозициясида ёлғизлик кечинмасига нисбатан таъсири хусусиятларини тадқиқ этиш;

ёлғизлик ҳиссининг дифференциал кўринишлари ва ўзига хос компонентларини эмпирик аниқлаш;

талабаларда ёлғизлик ҳиссининг ижтимоӣ-психологик детерминантлари рейтингини белгилаш асосида зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона давлат университети «Педагогика ва психология» факультети ҳамда «Санъатшунослик» факультетининг биринчи босқич талабаларидан 200 нафар ва учинчи босқич талабаларидан 226 нафари иштирок этди. Респондентларнинг умумий сони жами 426 нафарни ташкил этди.

Тадқиқотнинг предметини талабаларда ёлғизлик ҳиссини вужудга келишининг асосий сабаблари, мотивлари, ижтимоӣ-психологик детерминантлар ҳамда уларнинг фаолиятда намоён бўлиш хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суҳбат, кузатиш методлари билан бир қаторда С.Г.Корчагинанин «Семантик дифференциал» методикаси, С.Маддининг «Ҳаётӣ бардошлилик тести» методикаси, Е.Н.Осин ва Д.А.Леонтьевларнинг «Ёлғизлик ҳиссини дифференциал ўрганиш» методикаси, муаллифлик ишланмаси асосида «Ёлғизлик ҳиссининг ижтимоӣ-психологик детерминантларини аниқлаш» ижтимоӣ-психологик сўровномасидан фойдаланилди. Олинган натижаларнинг статистик ишончлилик даражаси математик-статистика методларидан: фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Манн-Уитни мезони, Стъудент t-мезони ва Спирменнинг r-корреляция коэффиценти орқали тасдиқланди.

Тадқиқотнинг илмӣ янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг «ёлғизлик», «яккаланиш» ва «танҳолик» тушунчаларини этимологик англашига кўра, индивидуал семантик тасаввурларни «баҳолаш», «кучлилик», «фаоллик» омиллари таъсирида идентификацияланиши орқали уларда «Мен» образи рефлексиясининг экзистенциал-субъектив тарзда бинар (иккиёқлама) ифодаланиши далилланган;

талабаларнинг бихевиориал маконига оид омиллар таъсирида ўқув фаолиятини праксик хислар билан уйғунлаштириш асосида эмоционал ўз-ўзини назорат қилишни кучайишига кўра, улардаги «ҳаётӣ бардошлилик» диспозициясини ёшга боғлиқ динамик тарзда ривожланиши исботланган;

ёлғизлик ҳиссининг дифференциацияланиши «мулоқотдаги тобелилик»нинг аутокоммуникацион ифодаланишида рефлексив ўз-ўзини англаш механизмини кучайтирганлиги сабабли ижтимоий-психологик ёлғизликка ижобий таъсир этиши исботланган;

талабаларда ёлғизлик ҳисси билан боғлиқ ҳолатлар (фрустрация, стресс, ижтимоий яққаланиш, остракизм) мавжудлигига кўра, «ўзини ўзи баҳолаш ва социал муносабатлардаги номутаносиблик», «шахс ва кадриятлар уйғунлигининг таъминланмаганлиги» каби шахслилик детерминантларини ҳиссий-эмоционал трансформацияланиши асосида ёлғизлик кечинмасини реабилитациялаш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

олий таълим тизими талабалари учун ёлғизлик ҳиссининг ижтимоий-психологик детерминантлари индексини тавсифлайдиган сўровнома олий ўқув юртларида қўлланилган;

олий таълим тизими талабаларида ёлғизлик ҳиссининг ижтимоий-психологик детерминантларини оптималлаштиришга йўналтирилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва апробация қилинган;

олий таълим тизими талабаларида ёлғизлик ҳиссининг ижтимоий-психологик детерминантларини барқарорлаштириш мақсадида тренинг машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган ва улар фаолиятида татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган методологик базанинг мукамаллиги; адекват тадқиқот методикаларидан фойдаланилганлиги, репрезентативлиги, ишончлилиги ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил этилганлиги; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг математик-статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи SPSS дастури каби таҳлил усули воситасида асосланганлиги; назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бакалавр ва магистратура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга доир олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда, «Ижтимоий психология», «Ривожланиш психологияси», «Тараққиёт психологияси ва дифференциал психология» ва «Шахс психологияси» фанларини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилиши мумкинлиги, улардан илмий-услубий ва ўқув қўлланмалари яратишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган маълумотлардан талабаларнинг ўқув фаолиятида ёлғизлик ҳиссининг ижтимоий-психологик детерминантларини адекват йўналтириш, уларнинг касбий фаолиятини шакллантириш юзасидан семинар-тренинглар ташкил этувчи мутахассислар, амалиётчи психологлар фаолиятида ҳамда педагогик психология ва ижтимоий психология фанларидан дарсликлар тайёрлашда, психологик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан

белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларда ёлғизлик ҳиссининг ижтимоий-психологик детерминантларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

талабаларнинг «ёлғизлик», «яккаланиш» ва «танҳолик» тушунчаларини этимологик англашига кўра, индивидуал семантик тасаввурларни «баҳолаш», «кучлилиқ», «фаоллик» омиллари таъсирида идентификацияланиши орқали уларда «Мен» образи рефлексиясининг экзистенциал-субъектив тарзда бинар (иккиёқлама) ифодаланиши далилланган маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 20 августдаги П-М-8 б-сонли буйруғи билан «Шахс психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги «Психология» ўқув-илмий марказининг 2020 йил 20 августдаги П-М-8 б-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим тизими талабаларининг ёлғизлик ҳиссини ижтимоий-психологик детерминантлари, уларнинг намоён бўлиш жиҳатлари, қонуниятлари борасидаги касбий билимларини ривожлантиришга эришилган;

талабаларнинг бихевиориал маконига оид омиллар таъсирида ўқув фаолиятини праксиқ хислар билан уйғунлаштириш асосида эмоционал ўз-ўзини назорат қилишни кучайишига кўра, улардаги «ҳаётий бардошлилик» диспозициясини ёшга боғлиқ динамик тарзда ривожланиши исботланган хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 20 августдаги П-М-8 б-сонли буйруғи билан «Тараққиёт психологияси ва дифференциал психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги «Психология» ўқув-илмий марказининг 2020 йил 20 августдаги П-М-8 б-сон маълумотномаси). Натижада талабалар билан ишлаш бўйича услубий таъминот такомиллаштирилиб, уларнинг амалий-касбий тайёргарликлари сифат жиҳатдан ошириш имконияти яратилган;

ёлғизлик ҳиссининг дифференциацияланиши «мулоқотдаги тобелилик»нинг аутокоммуникацион ифодаланишида рефлексив ўз-ўзини англаш механизмини кучайтирганлиги сабабли ижтимоий-психологик ёлғизликка ижобий таъсир этиши исботланган хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 20 августдаги П-М-8 б-сонли буйруғи билан «Шахс психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 20 августдаги П-М-8 б-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим тизими талабаларида ёлғизлик ҳиссининг ижтимоий-психологик детерминантларининг ривожланишига таъсир этувчи ҳолатларни илмий прогнозлаш кўникмасини шакллантириш имконияти яратилган;

талабаларда ёлғизлик ҳисси билан боғлиқ ҳолатлар (фрустрация, стресс, ижтимоий яккаланиш, остракизм) мавжудлигига кўра, «ўзини ўзи баҳолаш ва

социал муносабатлардаги номутаносиблик», «шахс ва кадриятлар уйғунлигининг таъминланмаганлиги» каби шахслилик детерминантларини ҳиссий-эмоционал трансформацияланиши асосида ёлғизлик кечинмасини реабилитациялаш мумкинлиги асосланган хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 20 августдаги П-М-8 б-сонли буйруғи билан «Ижтимоий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 20 августдаги П-М-8 б-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим тизимида талабалар билан ишлаш бўйича психодиагностик, психотерапевтик ҳамда психокоррекцион ишлар таъминоти такомиллаштирилиб, амалий-касбий тайёргарлигини сифат жиҳатдан ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 1 та монография, 5 та илмий мақола, 3 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан, 2 таси хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати; тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги асосланган, диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан алоқадорлиги очиб берилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилиги баён этилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёлғизлик ҳиссини ўрганиш – психологик тадқиқотлар муаммоси сифатида**» деб номланган биринчи бобида ёлғизлик феноменининг моҳияти ва бу борадаги хорижий ҳамда МДХ давлатлари олимларининг серқирра ёндашувларига оид тамойиллар, ёлғизлик ҳиссининг ифодаланиши ва унинг инсон турмуш тарзида намоён бўлишининг ўрни, Ўзбекистонда ёлғизлик муаммосига оид ўтказилган тадқиқотлар тавсифига оид масалалар илмий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинади. Мазкур бобда ёлғизлик тушунчасининг ижтимоий-психологик моҳияти ва уни тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий ёндашувларнинг илмий-назарий ҳамда методологик

асослари баён қилинган. Бинобарин, ёлғизлик объектив мавжуд ҳодиса сифатида унинг табиати, ривожланиши ва намоён бўлиши ҳақидаги жаҳон психологиясининг тарихий тараққиётидаги ёндашувларнинг талқини манбаларда етарли даражада ёритилган. Ёлғизликни ўрганиш бўйича психодинамик, когнитив, умумтизимли, интеракционистик, феноменологик, гуманистик, биологик, экзистенциал ёндашувлар бир-биридан масаланинг чуқур тадқиқ қилинганлиги ва назарий таҳлили билан фарқ қилади. Ёлғизлик ҳиссини ўрганиш илмий йўналишда ўз мураккаблиги ва серқирралиги билан ажралиб туради. Шунинг учун унинг рўй бериши ташқи ва ички сабаблар, вазиятга, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларга боғлиқлиги жиҳатидан муҳим методологик асосланган тадқиқотлар босқичини талаб қилади. Ёлғизлик муаммосига ёндашувлар мазмун-моҳиятан бир-биридан фарқ қилиши эмпирик тадқиқотлар асосида кўрсатиб ўтилган.

К.А.Абулханова-Славская, Л.И.Старовойтова, Г.М.Тихонов, С.Г.Трубникова, Ж.В.Пузанова, Н.Е.Покровский, С.А.Ветров, Ю.М.Швалб, О.В.Данчева, И.С.Кон, О.Б.Долгинова, А.У.Хараш каби олимлар томонидан ёлғизликнинг маданий-тарихий шакллари, ўсмирлик ва ўспиринлик давридаги ёлғизликнинг психологик хусусиятлари тадқиқ этилган. Республикамизда ёлғизлик ҳиссини ўрганишга муайян тадқиқотларда эътибор қаратилган. Жумладан, В.М.Каримованинг шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрнига бағишланган изланишларида ҳар қандай ёлғизлик ва мулоқотнинг етишмаслиги одамда мувозанатсизлик, ҳиссиётга берилувчанлик, ҳадиксираш, хавотирланиш, ўзига ишончсизлик, ташвиш ҳисларини келтириб чиқариши каби масалалари таҳлил этилган. Ғ.Б.Шоумаров, Н.А.Соғинов, У.Д.Қодиров, Б.М.Умаров, Г.Қ.Тўлаганова, Т.Г.Сулеймановаларнинг изланишларида ёлғизлик ҳисси бўйича асосан болалик ва ўсмирлик давридаги психик хусусиятлар ўрганилган. Уларда асосий эътибор девиант хулқ-атвор, характер акцентуацияси, суицид, ўз-ўзига баҳо бериш ва назорат қилиш муаммоларининг келиб чиқишида ёлғизлик ҳиссининг таъсири масалаларига қаратилган. Бундан ташқари А.Б.Сабирова тадқиқотларида, онтогенезнинг охирги босқичларидаги инсонлардаги субъектлик ва эмоционал соҳанинг ўзига хос хусусиятлари ёлғизлик билан боғлаб ўрганилган бўлса, Ш.А.Инаков ёлғиз кексаларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишини олиб борган. Н.З.Расулова қайта никоҳга кириш мотивациясининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятларини ўрганар экан, иккинчи даражали никоҳга кириш мотиви ёлғизлик ҳиссидан қутулиш эканлигини аниқлаган. Н.Ш.Муллабоеванинг тадқиқотлари ёлғизлик муаммоси профилактикаси ва коррекциясига бағишланган бўлиб, ўсмирларда ўз ёлғизлигини англаш (когнитив компонент); салбий ҳиссий кечинма (эмоционал компонент); депривацион омилнинг мавжудлиги, бегоналашиш (ижтимоий компонент) каби масалаларни аниқлаштиришга йўналтирилган. Шунга қарамай, XXI асрга келиб талаба-ёшларда ёлғизлик феномени ва уни келтириб чиқарувчи детерминантлар муаммоси Ўзбекистонда махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Диссертациянинг «Талабалар тасавурида ёлғизлик ҳиссининг ифодаланиши» деб номланган иккинчи бобида талабаларнинг ижтимоий тасавурларида ёлғизлик ҳиссига нисбатан муносабати, унинг ифодаланиш сабаблари ҳамда хусусиятлари каби масалалар чуқур таҳлил қилинган. Ёлғизлик ҳиссининг ижтимоий-психологик детерминантларини тадқиқ этиш талабаларнинг хулқ-атворлари, билиш соҳалари ва ҳиссий-эмоционал соҳаларининг хусусиятларини аниқлашга ёрдам бериши. Даставвал суҳбат методи орқали респондентларнинг жавоблари таҳлили қуйидагича тизимлаштирилди: умумий ҳолда учинчи босқич талабалари ёлғизликни ижобий йўналишда идрок қилишлари (70 %), биринчи босқич талабалари эса салбий йўналишдаги баҳога эга эканликларини (82 %) кўрсатди. Бу талабаларнинг юқори босқичга ўтган сари уларда масъулият ҳиссининг ортиши ҳамда шахсий ҳаётларини йўлга қўйишлари устувор эканлигидан далолат беради. Сўнгра талабаларда «ёлғизлик» тушунчасининг этимологик аниқлашнинг аниқлаш учун эмпирик тадқиқот ўтказилди (1-жадвал).

1-жадвал

«Семантик дифференциал» методикаси бўйича олинган натижалар, n=426 (баллар ҳисобида)

«Ёлғизлик»						«Яккаланиш»						«Танҳолик»					
Баҳолаш омили		Кучлилиқ омили		Фаоллик омили		Баҳолаш омили		Кучлилиқ омили		Фаоллик омили		Баҳолаш омили		Кучлилиқ омили		Фаоллик омили	
1-босқич	3-босқич	1-босқич	3-босқич	1-босқич	3-босқич	1-босқич	3-босқич	1-босқич	3-босқич	1-босқич	3-босқич	1-босқич	3-босқич	1-босқич	3-босқич	1-босқич	3-босқич
-1,4	-1,2	0,8	-0,2	0,8	-0,2	-2,6	-1,4	-0,4	-0,4	0,6	-1,6	-1	1,4	0,4	0,2	0,6	-2,4

Биринчи босқич талабаларида учала тушунчани баҳолаш омили бўйича олинган манфий кўрсаткичлар («Ёлғизлик» = -1,4 балл; «Яккаланиш» = -2,6 балл; «Танҳолик» = -1 балл) аксинча салбий изоҳланади. Талабалар мазкур тушунчаларни шахс учун деструктив ҳолат, деб қабул қиладилар ва унинг яхшилиққа хизмат қилишини инкор этадилар. Кучлилиқ омили бўйича «ёлғизлик» ва «танҳолик» тушунчалари биринчи босқич талабаларида юқори натижани кўрсатмоқда. Яъни, «Ёлғизлик» = 0,8 балл ва «Танҳолик» = 0,4 баллга тенг. Демак, биринчи босқич талабаларининг ҳаётида «ёлғизлик» ва «танҳолик» тушунчаларининг таъсир кучи юқорироқ, улар шахсий ёки вазиятга боғлиқ детерминантлар сабабли тезда ёлғизланиб қоладилар. Ва, албатта, бу инсон тажрибаси билан ҳам белгиланишини инкор этмаслик лозим. Чунки биринчи босқич талабаларида эгаллаган мавқеига боғлиқ равишда ҳали етарли даражада тажриба мавжуд бўлмайди. «Яккаланиш» тушунчасининг семантик таҳлили бўйича кучлилиқ омили иккала босқич талабаларида бир хил, яъни – 0,4 баллга тенг бўлмоқда. Бу шундан далолат берадики, иккала босқич талабалари «яккаланиш»ни хоҳ у ихтиёрий бўлсин, хоҳ мажбурий бўлсин бир хил идентификация қилишади, бироқ шу ўринда, учинчи босқич талабаларида тажрибанинг борлиги ушбу кечинмани енгишга ёрдам беришини ҳам таъкидлаш жоиз. Фаоллик омили ёлғизликнинг кечирилиш жадаллиги билан

белгиланади. Биринчи босқич талабаларидан олинган натижалар барча тушунчалар бўйича фаоллик омилининг юқори кўрсаткичга эга эканлигини кўрсатиб турибди, яъни «Ёлғизлик» = 0,8 балл; «Яккаланиш» = 0,6 балл; «Танҳолик» = 0,6 баллга тенг бўлиб, бу ёлғизликни ҳис қилиш тезлиги юқорилигини билдиради. Учинчи босқич талабаларида ушбу омилнинг манфий кўрсаткичда ифодаланиши («Ёлғизлик» = -0,2 балл; «Яккаланиш» = -1,6 балл; «Танҳолик» = -2,4 балл) уларнинг мазкур кечинмаларни хотиржам қабул қилишини билдиради ва бу талабаларнинг ҳаётларида ушбу ҳисларнинг устун кўринишда кечирилмаслигидан далолат беради.

«Семантик дифференциал» методикаси бўйича олинган натижаларнинг статистик миқдорини қуйидаги жадвалда ифодаладик.

2-жадвал

**«Семантик дифференциал» методикаси бўйича
натижалар, n =426
(Стьюдент корреляция коэффиценти асосида)**

Тушунчалар	Фактор	Йигитлар n=139	Қизлар n=287	t
		Ўрта миқдор	Ўрта миқдор	
ёлғизлик	Баҳолаш омили	-0,490	-0,140	-0,812
	Кучлилиқ омили	0,240	0,590	-1,215
	Фаоллик омили	-0,740	-0,540	-0,642
танҳолик	Баҳолаш омили	1,31	1,56	-0,673
	Кучлилиқ омили	1,020	1,240	-0,992
	Фаоллик омили	-0,050	-0,350	0,860
яккаланиш	Баҳолаш омили	-1,42	-1,66	0,535
	Кучлилиқ омили	-0,140	-0,060	-0,278
	Фаоллик омили	-0,560	-0,670	0,279

Ўтказилган тадқиқотимиздан олинган натижалар шундан далолат бермоқдаки, талабаларнинг эмпирик кўрсаткичлари методиканинг баҳолаш мезонларига кўра «ёқимли-ёқимсиз» шкаласига мувофиқ (-0,490 ва -0,140; 1,31 ва 1,56; -1,42 ва -1,66); кучлилиқ омилига кўра «кучли-кучсиз» шкаласига мувофиқ (0,240 ва 0,590; 1,020 ва 1,240; -0,140 ва -0,060); фаоллик омилига кўра «фаол-пассив» шкаласи бўйича (-0,740 ва -0,540; -0,050 ва -0,350; -0,560 ва -0,670) ўртача даражали қийматлар билан чекланган.

«Семантик дифференциал» методикасининг шкалалари бўйича талаба йигитлар ва қизларнинг кўрсаткичларида статистик тафовутлар кузатилмади. Бу эса талаба йигит ва қизларнинг «ёлғизлик», «яккаланиш» ва «танҳолик» ҳислари баҳолаш, куч ва фаоллик омилларига кўра ҳеч қандай гендер тафовутни акс эттирмаган. Талабаларда «ёлғизлик», «яккаланиш» ва «танҳолик» ҳиссини барча инсонларга хослигини ифодаламоқда.

Талаба йигитларда ёки қизларда «ёлғизлик», «яккаланиш» ва «танҳолик» ҳиссининг баҳолаш, кучлилиқ ва фаоллиқ омиллари бўйича алоҳида ажралиб турадиган коэффицентни акс эттирмаган. Эмпирик кўрсаткичлар ҳар иккала жинс талабаларининг «ёлғизлик», «яккаланиш» ва «танҳолик» ҳиссини бир хилда кечиришларини ифодаламоқда.

«Семантик дифференциал» методикаси бўйича олинган натижалар шундан далолат бермоқдаки, респондентлар «Ёлғизлик», «Яккаланиш», «Танҳолик» тушунчаларини англаган ҳолда дифференциация қилмоқдалар. «Ёлғизлик» ва «Яккаланиш»га нисбатан муносабат салбий кўринишга эга бўлмоқда. «Танҳолик»ни ижобий баҳолашганда фаоллиқ омилига салбий муносабатнинг ифодаланиши мазкур ҳодиса бошланғич даврда пассивликка эга эканлигини тан олинишидандир.


«Танҳолик» – талабалар учун худдики «дам олиш», ҳаётий қувватни тиклаш ва ижодий салоҳиятни амалга ошириш учун маскан вазифасини бажаради. Талаба-йигитлар ва талаба-қизлар ўртасида аҳамиятли фарқ мавжуд эмас. Демак, иккала жинс вакилларида мазкур тушунчаларни идрок қилиш бир хил амалга ошади. Ва талабаларнинг «ёлғизлик», «яккаланиш» ва «танҳолик» тушунчаларини этимологик англаши индивидуал семантик тасаввурларининг натижаси тарзида намоён бўлиб, уларда «Мен» образи рефлексияси ҳам ижобий, ҳам салбий ифодаланар экан.

Диссертацион ишимизнинг навбатдаги босқичи талабаларда ҳаётий бардошлиликнинг ўзига хос қирраларини аниқлаштиришга оид тадқиқотга йўналтирилди. Талабаларда «Ҳаётий бардошлилик тести» бўйича олинган натижалар дастлаб фоиз миқдорида ишлаб чиқилди. Олинган маълумотлар респондентларнинг бихевиориал маконига оид детерминантларини фарқлаш имконини берди.

Диаграммада ифодаланганидек, учинчи босқич талабаларида «Жалб қилинганлик» субшкаласи 34 % натижага, биринчи босқич талабаларида эса 25 % натижага эга. Бу талабаларнинг ёш чегараси ҳамда олий мактабда эгаллаган шахсий диспозициясининг фарқли эканлигини кўрсатиб турибди. Учинчи босқич талабалари биринчи босқич талабаларига нисбатан мавжуд ҳаётий воқеа-ҳодисаларга юқори даражада эътибор қаратадилар, ўзлари бажараётган фаолиятларидан шахсий қониқишни ҳис қиладилар (1-расм).

«Назорат қилиш» субшкаласи бўйича учинчи босқич талабаларида 31 %, биринчи босқич талабаларида эса 22 % натижа ифодаланмоқда. Бу талаба-ёшларнинг улғайган сари ўз хатти-ҳаракатлари, ҳиссий-эмоционал соҳаси ва хулқ-атвори устидан назоратни кучайтиришидан далолат бермоқда.

«Таваккалчилик» субшкаласи бўйича биринчи босқич талабаларининг натижалари учинчи босқич талабаларининг кўрсаткичидан 1 нисбатга ортиқроқ. Бу ҳолат учинчи босқич талабаларида бироз бўлса-да таваккалчилик устун эканлигини билдиради, яъни улар таваккалчилик сабабли шахсий тажриба орттириш мақсадида ҳаракат қиладилар.



1-расм. “Ҳаётий бардошлилик тести” бўйича олинган натижалар

«Ҳаётий бардошлилик» диспозицияси орқали биринчи босқич талабаларининг ҳаётий бардошлилиги 63% кўрсаткичга, учинчи босқич талабалариники эса 82 % кўрсаткичга эга бўлди. Бундан кўриниб турибдики, умумий ҳолда учинчи босқич талабаларида ҳаётий мураккабликларга, муаммоларни енгишга, ҳиссий-эмоционал соҳасидаги заифлашувга, хусусан, ёлғизлик ҳиссини оптималликка йўналтирган ҳолда муаммоларнинг ечимини топишда биринчи босқич талабаларига нисбатан бардошликлари юқори бўлиб, бунда улардаги хулқ-атвор ва ҳиссий-эмоционал соҳаларини назорат қилишлари адекват тарзда амалга оширилишидан далолат беради. Назорат қанчалик юқори бўлса, ҳаётий бардошлилик диспозицияси ҳам кучли характерга эга бўлар экан.

Диссертацион тадқиқотнинг «Талабаларда ёлғизлик ҳиссининг ижтимоий-психологик детерминантларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг эмпирик таҳлили» деб номланган учинчи бобда ёлғизлик ҳиссининг таркибидаги компонентлари ва уларни талабалар ўқув фаолиятига таъсири, ҳаётий бардошлилик ва ёлғизлик ҳисси компонентлари орасидаги корреляцион боғлиқлик, ёлғизликнинг ижтимоий-психологик детерминантлари рейтингини аниқлаш юзасидан олиб борилган тажриба–синов ишлари ҳамда статистик қийматлари ёритиб берилди.

3-жадвал

Ёлғизликни ифодалайдиган шкалаларнинг ўзаро боғлиқлиги, n =426

Шкалалар	Умумий ёлғизлик			Мулоқотдаги тобелилик			Позитив ёлғизлик		
	умумий	1-курс	3-курс	умумий	1-курс	3-курс	умумий	1-курс	3-курс
Умумий ёлғизлик	1	1	1	-0,128**	-0,175*	-0,147*	0,262**	0,109	0,264**
Мулоқотдаги тобелилик				1	1	1	-0,226**	-0,155*	-0,401**
Позитив ёлғизлик							1	1	1

Изоҳ: *p<0,05; **p<0,01

Талабаларнинг мулоқотдаги тобелилиги позитив ёлғизлик шкаласи билан тескари корреляцион алоқага эга ($r=-0,226$; $p<0,01$). Натижалар талабалар ёлғизликни нохуш кайфиятда қабул қилиши, ёлғизлик вазиятидан қочишга интилишнинг ўсиб бориши нохуш ва оғриқли муносабатга эга бўлиши туфайли уларда ёлғизлик билан боғлиқ ижобий эмоцияларни намоён эта олмасликлари, ёлғизликдан ижобий имкониятлар топа олмасликларига сабаб бўлмоқда. 1-босқич талабаларида умумий ёлғизлик ҳисси билан мулоқотдаги тобелилик шкалалари ўртасида тескари корреляция алоқа ($r=-0,175$; $p<0,05$) ёлғизлик ҳиссини баҳолаш шкалалари талабаларда атрофдагилардан ажралиб қолганлик кечинмаси, одамлар билан мулоқотга киришиш қобилятининг етишмаслиги, ўзларини яккаҳол ҳис қилишлари танҳо ва ёлғиз инсонларга, вазиятларга нисбатан толерантликнинг етишмаслигига олиб келмоқда. Мулоқотдаги тобелилик шкаласи билан позитив ёлғизлик шкаласи ўртасидаги тескари корреляция эса ($r=-0,155$; $p<0,05$) 1-босқич талабаларида танҳолик вазиятларидан қочиш, ёлғизликни нохушлик ва оғриқлик кечинмалар сифатида ҳис этишларининг ўсиб бориши ҳисобида уларда ёлғизликни нохуш кайфиятда қабул қилиши, ёлғизлик вазиятидан қочишга интилишнинг ўсиб бориши нохуш ва оғриқли муносабатга эга бўлиши туфайли уларда ёлғизлик билан боғлиқ ижобий эмоцияларни намоён эта олмасликлари, ёлғизликдан ижобий имкониятлар топа олмасликлари кузатилмоқда.

3-босқич талабаларининг умумий ёлғизлик шкаласи мулоқотдаги тобелилик шкаласи билан тескари корреляцион алоқадорликка эга бўлди ($r=-0,148$; $p<0,05$). Кўрсаткичлар талабаларда умумий ёлғизлик ҳиссига нисбатан мойиллик ўсиб бориши уларда мулоқотдаги тобелилик ҳиссини пасайишини таъминларкан. Эмпирик кўрсаткичлар талабаларда илиқ мулоқот муҳитининг етишмаслиги, ўзга инсонлар билан алоқа ўрнатолмасликлари, ўзларини ёлғизликда туюшларининг ортиб бориши мулоқотдаги тобелиликка бефарқлик туғдирмоқда. Шунингдек, умумий ёлғизлик ҳиссининг ўсиши ўз навбатида позитив ёлғизликнинг ўсишига сабаб бўлмоқда ($r=0,264$; $p<0,01$). Талабаларда илиқ мулоқот муҳитига эга эмаслик, ўзига инсонларни яқин ололмаслик, атрофдагилардан ажралиб қолишнинг ортиб бориши сабабли танҳолик шароитида улар ёлғизликдан ижобий мақсадларда фойдалана ололмасликларини кўрсатмоқда. 3-босқич талабаларининг мулоқотдаги тобелилик позитив ёлғизлик шкаласи билан тескари корреляцион алоқа ҳосил қилди ($r=-0,401$; $p<0,01$). Натижалар талабалар ёлғизликни хуш кайфиятда қабул қилиши, ёлғизлик вазиятидан қочишга интилишнинг ўсиб бориши, нохуш ва оғриқли муносабатга эга бўлиши туфайли уларда ёлғизлик билан боғлиқ ижобий эмоцияларни намоён эта олмасликлари, ёлғизликдан ижобий имкониятлар топа олмасликларини кўрсатмоқда.

Навбатдаги босқичда талабаларнинг ёлғизлик ҳисси ҳамда ҳаётий бардошликлари ўртасидаги ўзаро корреляцион муносабатни аниқлаштиришга ҳаракат қилдик, натижалар 4-жадвалда берилган.

**Талабаларнинг ёлғизлик ҳисси ва ҳаётий бардошлиликка муносабат
кўрсаткичларининг ўзаро корреляцияси, n=426
(Спирмен корреляция коэффициенти асосида)**

	Умумий ёлғизлик		Мулоқотдаги тобелилик		Позитив ёлғизлик	
	1-курс	3-курс	1-курс	3-курс	1-курс	3-курс
Жалб қилиш	-0,440**	0,413**	-0,008	0,225**	0,150*	0,143*
Назорат қилиш	-0,459**	0,209**	0,043	-0,112	0,000	0,001
Таваккалчилик	-0,503**	0,353**	-0,046	-0,082	0,169*	-0,240**
Ҳаётий бардошлилик	-0,496**	0,375**	0,000	0,153*	0,098	0,148*

Изоҳ: * $p < 0,05$, ** $p < 0,01$

Олинган натижалар талабаларда ҳаётий бардошлилик билан ёлғизлик кечинмасига муносабат кўрсаткичларида корреляцион аҳамиятли ва илмий характерга эга бўлган хулосалар чиқаришга сабаб бўлувчи коэффициентлар аниқланди. 1-босқич талабаларида ўзларига ишонч ҳисси бор тарзда уринишлари, муваффақиятсизликларни тўғри баҳолашга қўйилган қадамлари ҳали тажриба сифатида шаклланмаганлигидан далолат бермоқда. Бу эса уларнинг ёлғизликка салбий тус беришлари, ёлғизликни аянчли ва оғриқлик кечиришлари сабаб бўлиши икки методиканинг баҳолаш мезонлари кўрсатмоқда ($r = -0,440$; $p < 0,01$).

Аммо 1-босқич талабаларида ўз фаолиятдан қониқиш ҳисси, кескинлашган ва зўриқишли вазиятларда ҳаётга нисбатан қизиқишнинг ифодаланиши ёлғизлик ҳиссига позитив баҳо беришга йўналиш берар экан ($r = 0,150$; $p < 0,05$). Шунингдек, 1-босқич талабаларида ўзини ёрдамга муҳтождек ҳис этса, ўзининг фаолиятини танлашда қийналса, ўз йўлини танлай олмаслиги ҳам ёлғизликда ўзларини чорасиз, имкониятларини рўёбга чиқара олмаётгандек ҳис этишига сабаб бўлмоқда ($r = -0,459$; $p < 0,01$). 1-босқич талабаларида ҳаётий вазиятларда тажриба тўпламаган бўлса ҳам кўрқув ва ноқулайликларни енгишда таваккал қилишга жазм этмасликлари ёлғизликни оғриқли нуқта ва ёлғизликка бағрикенгликни шакллантира олмасликларига сабаб бўлмоқда ($r = -0,503$; $p < 0,01$). Айрим талабаларнинг шахсий уринишлари эса таваккалчилик унсурларини кузатилиш ҳисобида ёлғизликка ижобий муносабат шаклланиши ва ўзларида бағрикенгликни таркиб топтиришларига туртки бермоқда ($r = 0,159$; $p < 0,05$). Ҳаётий бардошлиликка хос эътиқодлар тизими, жалб этувчанлик, назорат ва таваккал қилиш орқали ички зўриқишларни вужудга келишига қаршилик кўрсатишга эришмасдан туриб, ёлғизлик инсон ҳаётининг ажралмас қисми, унга ҳар доим салбий тус бермасдан, ёлғизлик шароитида ҳам ўз имкониятларини юзага чиқариш мумкинлиги тўғрисидаги тасаввурни шакллантириб бўлмас экан ($r = -0,496$; $p < 0,01$).

3-босқич талабаларининг ёлғизликка муносабати ва ҳаётий бардошлиликни баҳолаш шкалалари кўрсткичларининг ўртача ранг қийматларидаги устуворлик корреляция таҳлилда ўз аксини топди. 3-босқич талабаларининг ўзи ва олам билан ўзаро муносабатларидаги эътиқодлари, ички зўриқишларга қарши курашувчи ҳаётий бардошлиликни шакллантиришга интилиши, ўзларини стрессли вазиятларда барқарор тута олишлари ёлғизликка муносабатларида ҳам ижобий позицияни шакллантиришга олиб келаар экан. Бу ҳолат 3-босқич талабаларининг «жалб этиш» шкаласининг «умумий ёлғизлик кечинмаси» ва «позитив ёлғизлик» шкалалари ўртасидаги корреляцияда кузатилди ($r=0,496$; $p<0,01$). 3-босқич талабаларининг ҳаётий бардошлилик компоненти сифатида ўзларини назорат тизимини шакллантирганлиги, ўз ҳаёт йўлини танлай олиши ва фаолият йўналишини белгилаши ёлғизликка қийинчиликка тушмасликлари, уни бартараф этиш чораларини топишларидан далолат бермоқда ($r=0,209$; $p<0,01$).

Талабаларнинг ўзлари билан содир бўладиган барча нарсалар, ижобий ёки салбий бўлишидан қатъий назар, тажрибадан олинган билимлар ҳисобига унинг ривожланишига ҳисса қўшишига ишонишлари, ҳаётни тажриба орттириш усули деб ҳисоблашлари, муваффақиятнинг ишончли кафолатлари бўлмаган тақдирда, ўз хавфи остида ҳаракат қилишга тайёрликлари, оддий қулайлик ва хавфсизликни шахс ҳаётини қашшоқлаштиришга интилишини ҳисобга олишлари, таваккалчилик билимларни тажрибадан фаол ўзлаштириш ва ундан кейин фойдаланиш орқали ривожланиш ғоясига асосланишлари ҳам ёлғизликнинг ҳам ижобий томонларини топиш мумкинликка йўналтиришини кўрсатмоқда ($r=0,353$; $p<0,01$).

Аммо 3-босқич талабалари таваккалчиликка юзаки қарамасдан, тажрибага таянмасликлари оқибатида ёлғизлик ва танҳолик ҳолатларида ўз имкониятларини рўёбга чиқаролмасликлари мумкин ($r=-0,240$; $p<0,01$). 3-босқич талабаларининг ҳаётий бардошлилик компонентларини таркиб топтириш ҳисобида ёлғизликка объектив муносабат шакллантирганликлари, ёлғизлик кечинмасини ижобий ва салбий томонларини кўра олишларини эмпирик кўрсаткичлар тасдиқламоқда ($r=0,375$; $p<0,01$, $r=0,153$; $p<0,05$, $r=0,148$).

